
ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Акромов Хасан Фуркатович,
PhD докторант - Ўзбекистон Миллий университети
e-mail: x.akramov@mail.ru

СПОРТ СОЦИОМАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада спортни социологик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб ҳар хил соҳа олимлари томонидан спорт ижтимоий воқеалигининг инсон ҳаётидаги феноменлардан бири эканлиги ёритиб берилган. Спорт билан боғлиқ тушунчаларга илмий ва назарий жиҳатдан ёндашиб, замонавий жамиятдаги унинг парадоксал ўрни ва аҳамияти таҳлили қилинган. Спорт билан боғлиқ замонавий илмий тушунчалар тўлиқ очиб берилиб, уларга илмий асослар келтирилган. Спортнинг келиб чиқишидаги айрим шарт-шароитлар таҳлил этилиб, замонавий жамиятда жисмоний маданият ва спорт фаолияти масалаларини ечим механизмлари тўғрисида сўз юритилган. Жисмоний маданият ва спортнинг функционал вазифаларига изоҳ келтириб ўтилган ҳамда спорт тушунчасига социал ва маданий хусусиятларига илмий-назарий ёндашув билан қаралган. Муалиф томонидан ўрганилаётган спорт феноменинг ижтимоий-маданийлашиш жараёни ҳозирги замон талаби эканлиги илмий-назарий тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: феномен, социал воқеалик, спорт, фаолият, мусобақа, рақобат, беллашув, спорт мусобақаси, ўйин, ўйинли фаолият турлари, социал гуруҳлар, индивид.

Акромов Хасан Фуркатович,
PhD докторант - Национальный университет Узбекистана
e-mail: x.akramov@mail.ru

СПОРТ КАК СОЦИОКУЛЬТУРНЫЙ ФЕНОМЕН

АННОТАЦИЯ

В данной статье спорт анализируется с точки зрения социологии учеными разных отраслей и раскрывается социальное явление спорта как одного из феноменов жизни человека. Понятия связанные со спортом раскрываются с научно-теоретического подхода, анализируется его парадоксальное место и значения в современном обществе. Современные научные концепции, связанные со спортом, были подробно изучены, и заложена научная основа в этом направлении. Проанализированы некоторые условия, возникшие в спорте, и обсуждены механизмы решения проблем физической культуры и спорта в современном обществе. Приводится обзор функциональных функций физической культуры и спорта, а также научно-теоретический обзор социальных и культурных характеристик спорта. Существует научная теория о том, что социокультурный процесс изучаемого автором феномена спорта является современным требованием.

Ключевые слова: феномен, социальное явление, спорт, деятельность, соревнования, конкуренция, соперничество, спортивное соревнования, игра, типы игровых деятельностей, социальные группы, индивид.

Akramov Khasan Furkatovich,
PhD doctoral student - National University of Uzbekistan
e-mail: x.akramov@mail.ru

SPORT AS A SOCIOCULTURAL PHENOMENON

ANNOTATION

In this article, sports are analyzed from the point of view of sociology by students of different industries and talk about the social phenomenon of sports as one of the phenomena of human life. The notion of sports is revealed in scientific and theoretical, its paradoxical place and values in modern society are analyzed. Modern scientific concepts related to sports have been fully explored and the scientific basis for it has been laid. Some of the conditions that have emerged from sport have been analyzed and the mechanisms of addressing the issues of physical culture and sport in modern society are discussed. It provides an overview of the functional functions of physical culture and sports, and a scientific-theoretical overview of the social and cultural characteristics of sport. There is a scientific theory that the socio-cultural process of sporting phenomenon studied by the author is a modern requirement.

Keywords: phenomenon, social phenomena, sport, activity, competition, rivalry, sports competition, game, types of gaming activities, social groups, individual.

Спорт - бу ўзгача мураккаб ва ҳар томонлама бўлган социал феномендир. Шунинг учун ҳам "спорт" тушунчасига ҳар хил интерпритациялар мавжуд бўлиб, махсус хусусиятига ҳамда ижтимоий воқеаликлар тизимидаги ўрнига ва табиатига нисбатан ҳар хил нуқтаи назарлар ишлаб чиқилган.

Спорт тушунчасига бир неча олимлар томонидан келтирилган маъноларни кўриб чиқамиз: "Спорт - бу тарбия социал институти бўлиб, ўзида ўйинли жисмоний фаолиятни таснифловчи, жисмоний ва маънавий қобилият билан боғлиқ ривожланиш даражаси" [1,6]; "Спорт қуйидаги асосий қирралар орқали таснифланади: 1. Максимал имкониятлар асосида алоҳида жисмоний машқ турлари орқали амалий натижаларга эришишга интилиш. 2. Беллашувлар мавжудлиги. 3. Беллашув ва мусобақаларда эришган натижаларни оммавий равишда тан олиниши" [2,62]; "Спорт - ўйинли фаолият бўлиб, рақобатчилик шароитида инсон ҳаракатланиш имкониятларини очилишига йўналтирилган" [3,12]; "Спорт - жисмоний куч-қудратни демонстрация қилишни талаб қиладиган расмийлашган ҳар қандай ўйин" [4,21]. "Спорт - махсус мусобақавий фаолият бўлиб, интенсив жисмоний машқ шаклларида фойдаланилиб, инсон ёки гуруҳларнинг морфо-функционал ва руҳий имкониятларини такомиллаштириш юқори натижаларга концентрациялашга қаратилади" [1]. "Спорт ҳақидаги Манифест"да (1971) Жисмоний тарбия ва спорт Ҳалқаро Кенгаши (СИЕПС) томонидан қабул қилинган спорт тушунчасига "ҳар қандай ўйин таснифига эга ва инсонни ўзи билан ва бошқа инсонлар билан ёки табиат кучлари билан курашадиган жисмоний фаолият" [5,11] деб келтирилади.

Илмий адабиётларда спорт тушунчасини рақобат, беллашиш, мусобақа, ўйин ва спорт мусобақаси каби тушунчалар билан боғлайдилар. Шундай маънолардан: "мусобақалар спорт спецификасининг махсус фаолият доираси сифатида белгилайди... спорт доираси - махсуслаштирилган социал-ташкилий тизим бўлиб, мусобақа олдида ташкил топади" [6,69]. "Спортнинг тавсифловчи яна бир хусусиятларидан бу унинг беллашишидадир. Охирчилари айниқса унинг табиати ички хусусиятларини очиб беради. Агарда мусобақа бўлмаганда у ўз маъносини йўқотган бўлар эди." [7,5]. "Спорт - ... мусобақаси каби фаолият, унга тайёргарлик

ҳамда махсус у билан алоқадорлик, норма ва қоидалар асосида эришиш ушбу фаолият билан боғлиқ масаладир" [8,278]. Шунинг учун аввалам бор спорт билан боғлиқ тушунчаларни ўрганиб чиқишимиз лозим деб ҳисоблайман.

Рақобат. Рақобат (лот. "конкуренция") - бу индивидлар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасида олиб бориладиган ўзига хос бўлган доира фаолиятидаги қизиқишлар асосида бир-биридан ўзиб кетиш ёки курашиш каби жараёнлар. Айрим адабиётларда унга қўйидагича таъриф берилади: "Рақобат - бу белгиланган мақсадларга эришишда ҳар қандай рақибларни четлаштириш ёки улардан ўзиб кетиш йўли орқали айрим доира соҳаларидаги ривожланиш стратегияси " [9,60]. Рақобат индивидуал ёки гуруҳий кўринишда бўлиши мумкин. Рақобатчилик асосан хоши-истакнинг қондирилмаслигидан келиб чиқади. Шакллантирувчи сифатида дефицит бўлган кадр-қимматга эга моддий ва маънавий омиллар: пул, хусусий мулк, обрў-эътибор, престиж, ҳокимият, спортдаги ютуқлар ва севги-муҳаббатлар киради. Рақобатчилик шахснинг юқори мақсадларга эришишдаги асосий матив бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақиқатдир! Лекин охириги йилларда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бир ташкилотнинг ичида олиб борилган рақобат ташкилотда уюшган кичик гуруҳларни шакллантириб, улар орасида юз берадиган рақобат ташкилот фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Кичик гуруҳлар ўртасида рақобатчилик муҳитини ривожлантирилиши билан зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Ундан ташқари индивидуал рақобат икки индивидлар ўртасида бўлиб ўтиши умумий мақсадга эришиш натижасини сушлаштирмоқда. Бу эса индивидуал ёки гуруҳий рақобат бўладими ёки йўқми ҳар қандай ташкилот ёки фаолият соҳаси бўладими уни умумий мақсаддан борган сари узоқлаштириб бораверади.

Рақобат албатта унга нисбатан тўғри муносабат билдирилгандагина тараққиётга ўз хиссасини қўшади. Бўлмаса рақобат аста-секинлик билан зиддиятларни келтириб чиқарувчи социал омил ролини бажаради. Мисол тариқасида икки рақобатлашувчи тараф ҳар қандай соҳа ёки фаолият нуқтаи назардан ўзаро беллашганда, албатта бир тараф енгилади ҳоҳ бу интелект, қобилият ёки профессионаликда бўлсин ҳоҳ бу моддий, иқтисодий ўсиш ёки мавқейларга эга бўлиш бўлсин. Шундай ҳолларда енгилган тараф албатта эгри нотўғри ва қонун бузилиш йўлларига ўтиб, зўравонлик, интрига ёки жиноятга қўл уради, бу эса барча ҳаракатларни амалга оширилиши керак бўлган асосий мақсад четда қолиб кетишини олиб келади. Шунинг учун ҳам рақобатчиликни минталитет хусусиятидан келиб чиқибгина қўллаш керак деб ўйлайман.

Беллашиш. Беллашиш - бу инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат бўлиб, инсон ички потенциалини ва моддий фаровонлигини, престижини, севгисини, ҳокимият учун тўғридан-тўғри ва яширин йўл билан эришиш учун курашишини тавсифлашига айтилади [9,61]. Замонавий жамият шахсининг ҳаёти айнан беллашишда қурилади. Инсонлар спортда, санъатда, оилада, ишлаб чиқаришда ва дўстлар даврасида рақиблашишади. Бу ҳам жуда ҳавfli муносабат тури бўлиб, у ҳам зиддиятларни, ажралишларни, ички муҳит дестабилизациясини ва нафратлар учун стимулятор бўла олади. Беллашув фақатгина спорт учун жуда ҳам муҳимдир. Чунки ҳар қандай спортчи ўз рақибини ўрганиш ва унинг ижтимоий-психологик портретини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бу эса спортчи учун янги техника ва технологияларни эгаллаш учун замин бўла олади.

Мусобақа. Мусобақа аввалам бор бир ёки бир неча қарама-қарши тарафларнинг ўзаро ғалаба сари интилишларини кўрсатувчи, инсонлар ўртасида ҳамда инсон

ва табиат ўртасидаги (гоҳ жонли ва гоҳ жонсиз) курашиш ёки беллашиш тушунилади [4,8]. Бир-биридан ўзиб кетиш асосида мусобақалашган тарафларнинг белгиланган шароитида қиёслаш, сифатини аниқлаш ва баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради [10,32].

Мусобақа - бу шундай муносабатки, инсонлар ўртасидаги фаолиятидан келиб чиқадиган, бир-бирига активликни стимуллаштирувчи, фойдали натижаларга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуасига айтилади. Мусобақа ҳар кунги ҳаёт тарзимизда социал баҳолаш каби ва белгиланган стандарт асосида ҳар хил жамият соҳаларида инсон фаолияти натижаларини қиёсловчи ҳамда инсонларнинг олдинги фаолиятларида энг юқори ҳолатига эришилганлигини идеал даражаси ҳисобланади [11;6].

Мусобақа социологик нуқтаи назар билан айтганда - бу икки баҳслашаётган тарафнинг (индивид, жамоа ёки гуруҳ) сифатларини (қобилиятларини) ўзаро социал муносабатларни ёки инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни қиёсловчи ва ўхшаш кўрсаткичларни (индикаторларни) баҳоловчи, уларнинг конкрет соҳа фаолиятидаги эришилган даражаларини аниқловчи жараёнدير [12]. К.Маркс фикрича: "жамият билан алоқага киришиш мусобақа каби алоҳида шахсларда индивидуал ҳаёт қувватининг ривожланишини ўзига хос равишда қўзғалтиради." [9,63]. Бу фикрдан шуни аниқлаш мумкинки, ҳар қандай инсон, индивид ёки шахс ҳаёт-фаолияти даврида жамият билан алоқага, муносабатга киришган сари унда мусобақалаш ҳолати юз бераверади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки айрим миллат ва элатларда мусобақалаш жараяни ҳар доим ҳам ўзаро беллашиш ёки рақобатлашишни кўрсаткичи бўлолмайди. Мисол тариқасида: "Амазонка индейцлари ўзаро куч синашишганда иштирокчилардан ҳеч бири ютуқ учун ҳаракат қилмайди ва ҳеч ким бу беллашувда голиб бўлиши мумкин эмас. Бу мусобақаларда иштирок этувчилар ўзидаги мавжуд куч-қувватининг максимал даражасида ҳаракат қилади ҳамда асосий мақсадга биргаликда ҳар бир иштирокчи билан бирга эришилади. Навахо индейцлари баскетбол ва бошқа спорт ўйинларини ўйнашганда ҳеч қачон рақобат ёки бир-бирига агрессив ҳаракатлар қилишмайди. Улар бундай спорт ўйинлари билан шуғулланишганда аввалам бор ўзлари билан ўзлари кураш олиб боришади. Бир-бирига нисбатан эса ҳеч қачон агрессив ҳаракатлашишмиди, чунки улар рақиблик тушунчасига эга эмасдирлар" [13,115-132].

Мусобақаларни таҳлил қилганимизда уларнинг категориял ҳар хиллигини ҳисобга олиш керак бўлади:

- Мусобақада иштирок этиш мотиви;
- Мусобақаларнинг давомийлиги;
- Қоидаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- Сифатларининг солиштирилиши: инсоннинг ҳаракатланиши (жисмоний), инсоннинг интелекти, хотираси ва диққатининг психик қобилиятлари ва ҳ.з.;
- Мусобақа йўналиши (гуманистик ёки антигуманистик);
- Ижтимоий фаолият туралари билан мусобақанинг алоқадорлиги (меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият элементлари билан алоқадорлиги; ўқув жараянидаги; билиш ва илмий-тадқиқот фаолиятида; санъат фаолиятида; ҳарбий соҳа фаолиятидаги мусобақалар ва ҳ.з.);
- Мусобақа муносабати элементидаги ва мусобақа иштирокчилари таркибига кўра (алоҳида инсон, индивид, алоҳида гуруҳ; алоҳида инсонлар ва гуруҳлар)

[4].

Шундай мусобақаларнинг шакли ва кўринишларидан бўлаган ўйинли фаолият билан боғлиқ муаммоларни кўрсатиб ўтиш жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу фаолият бир қанча хусусиятларга эга. Ҳар қандай бошқа фаолият каби алоҳида предметларни ва воқеаликларни ўзгартириш ва қайта шакллантириш хусусиятига эга ҳисобланади. Лекин инсонни у билан боғлиқ натижа қизиқтирмасдан, балки фаолият томонидан келтириб чиқарадиган эмоциялар қониқиш хиссини ташкил этади. Бундан шундай маъно касб этиш мумкинки, "ўйинли ҳаракат мотивида ҳаракат натижаси ётмасдан жараённинг ўзи асосий мотив ҳисобланади" [14] деб таъкидлайди А.Н.Леонтьев. Ўйинли фаолият сифатида ҳар қандай фаолият бўлиши мумкин, агарда бу фаолият ўзида "завқланиш" хусусиятига эга бўлса. Лекин махсус ўйинли фаолият турлари ҳам мавжуд бўлиб, бу фаолият тузилмаси фақат шундай ҳолатлар учун шаклланади.

Ўйинли фаолият асосий натижаси унинг кераклиги билан фарқланиб, фақатгина алоҳида мезонда муҳим ҳисобланади, белгиланган фаолиятни таъминлаши ва бу фаолият шакли нафақат утилитар таснифга, балки символик таснифга ҳам эга бўлишида ҳисобланади. Ю.Леваданинг таъкидлашича: "ёпиқлик ёки ўз ичига кириб олиши, ўйинли фаолият тузилмасини моҳиятини белгилаб, унинг норматив чегаралари ва мақсадли ориентацияси (ҳох ички ҳох ташқи ҳамда психологик), мотив ва қизиқишларнинг ўйиндан бошқасига тўғри келмаслиги аниқланмаслигидадир... Ўйинли фаолиятнинг негатив хусусияти сифатида - ўз ичига кириб олиниши унинг утилитар эмаслигидадир. Ўйиннинг принципиал самарасизлиги унинг функционал ва инструментал социал фаолият шаклларида фарқидадир" деб таъкидлайди [15,273-275].

Яна бир муҳим хусусият ўйинли фаолият билан боғлиқ. Бу фаолиятнинг ҳар хил шакллари мавжуд бўлиб, бошланғич ўзининг пайдо бўлишида асосан реал ҳаёт реаллигини ва инсон ҳулқ-атвор шакллари моделилаштиради. Бу моделилаштириш реал ҳаётдан "шартли" ҳаётга яъни сунъий ва ҳаёлий ҳолатга ўтишни тақазо этади [16]. Л.Выготский: "Менинг фикримча болаларнинг фаолият мезонлари шаклларида унинг бошқа гуруҳ фаолиятларидан ажратилган ўйинли фаолиятида болалар ҳаёлий ҳолатларни ташкил этиб, мавжуд ҳолат ҳамда мазмун чегараси асосида ажратилади" [17,65].

Кўрсатиб ўтилган моделилаштириш ўз ичига янги ҳулқ-атвор шакллари олади, биринчидан, ушбу фаолият давомида индивидни ва у билан алоқада бўлган бошқа индивидларни негатив ҳолатлардан ҳимоя қилади ҳамда ҳавфсизлигини таъминлайди; иккинчидан, индивидда қизиқиш уйғотади. Бу ҳаммаси белгиланган қоидалар асосида, нима мумкин-ку ва нима мумкин эмаслигини ("қоидаларга бўйсиниш ва бўйсинмаслик ўйиндаги бевосита ҳаракат импульсини келтириб чиқарувчи максимал қониқиш йўлидир" [17,71]) аниқлашда эришилади ва ҳаётда ҳаракатланадиган воситаларни бошқа ўйинчоқларга алмаштириш, белгиланган мақсадни мослаштиради.

"Ўйин махсус ҳаракатланиш модель тури сифатида намоён бўлади. Ўйин ҳар қандай ҳолатни ишлаб чиқганда ҳам ўзининг қоидалар тилига ўтиради" [18,132-133].

Мусобақалар ўйинли фаолиятдаги иккита асосий хусусиятга таянади: белгиланган қоидаларга ва инсонпарварликка йўналтирилганлик (шахсни ривожлантиришга қаратилганлик, инсоннинг ўзининг куч ва қобилиятини эркин

намоён этиши). Бундай муносабатларда ушбу мусобақа қоидаларсиз ва инсонпарварликка қаратилмаган мусобақалардан кескин фарқ қилиб, шахс гурурига таъсир кўрсатиб, инсонга зарар етказди.

Ўйинли фаолият алоҳида ҳолларда ва конкрет омиллар таъсирида модификациялашиши мумкин: ўзининг айрим белгиларини (ушбу фаолият қатнашувчилари қониқишдан бошқа қизиқтирувчи омил моддий қизиқишга ҳам ўтиб кетишлари мумкин), лекин ўзининг "формал тузилмаси"ни сақлаб қолиш, ҳаракат тузилмасини, ҳаракат қоидалари ва воситаларини ва б.ш. (ушбу модификация профессионал футбол ёки волейболни мисол қилинса, агарда уларни ҳаваскорлик ўйинлари - фақатгина қониқиш учун ўйналган футбол ёки волейбол). Бундай фаолиятни "модификациялашган ўйинли фаолият" деб номласа ҳам бўлади.

Спорт мусобақаси. Кўнгина тадқиқотчилар спорт мусобақасини бошқа соҳа ёки фаолият мусобақаларидан фарқига боришмайди. Замонавий жамиятда барча соҳаларда бир-бири билан рақобатлашиш, беллашиш, мусобақалашиш каби тушунчалар асосида ривожланиш тенденцияси шаклланади. Биз фақатгина волейбол, футбол, баскетбол ва шу каби спорт турларинда мусобақалашиш жараёни бўлиб ўтади деб ўйлашимиз нотўғри бўларди. Буларга иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ва мавфкуравий тизимларни ҳам мусобақалашишларни спортга таълуқли деб кўриб чиқиш зарурдир.

Шунинг учун спорт мусобақалари бошқаларидан фарқини аниқлашимиз керак бўлади. Спорт мусобақасидаги принципиал хусусият шундан иборатки, у ўзида бир қатор қоидалар, гуманитар йўналтирилганлик, энг юқори маҳоратга эришиш принципига асосланиш ва мусобақада ҳаракат фаолияти бажарилишининг таъминлашиши билан гавдаланишидадир [10,34].

Спорт мусобақасини таърифлайдиган бўлсак, бу - шундай мусобақаки, белгиланган қоида ёки низом асосида спортчиларнинг индивидуал ва гуруҳий қийёслаш мақсадида амалга ошириладиган ҳамда регламент асосида: вазн ва тоифалар даражаси, ўтказиладиган вақти ва жойи, ҳакамлар ҳамда голиб ва совриндорлар категориясига эга бўлган социал жараёнга айтилади [9,66].

Спортнинг асосий мақсади бу энг зўр ва маҳоратли спортчиларни ва спорт гуруҳларини аниқлаш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний маданият ва спортни тарғибот этишдан иборатдир. Эришилган ғалаба ва мағлубият спорт фаолиятини объектив ҳолда спорт ташкилотларини, мураббийларни, ҳакамларнинг фаолиятини эффективлигини баҳолай олади. Ҳалқаро спорт мусобақалар нафақат спорт маҳоратини, балки спортчилар ўртасида бошқа давлатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини шакллантиради. Спорт мусобақалари бошқа мусобақа, беллашув ва рақобат муносабатларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилиб, спорт социал "механизм"ни тўғридан-тўғри тавфсифлайди.

Бу механизмларга:

1. Спорт федерациялари томонидан махсус қоида ёки низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда иштирокчиларнинг фаолиятини қатъий регламентлаштириш;

2. Спорт мусобақасини ўтказишда ҳар қандай спорт тури учун ўзига хос беллашиш воситаси ва махсус жиҳозланиш (стадионлар, бассейнлар, спорт мажмуалар ва ҳ.з.);

3. Спорт мусобақалари бошқа мусобақалардан ўзининг юқори даражадаги кураш жараёни, спортчиларнинг охириги имконият даражалари ҳолатида ҳам беллашиши, кучли рақобатчилик ҳар қандай спорт турида мавжудлиги, галабага интилиши ҳамда рекорд натижаларини кўрсатиши билан фарқ қилади;

4. Турли спорт турларидаги спортчиларнинг юқори даражадаги социал табақага (шахсий ва жамиятда) эришиш;

5. Спорт мусобақаларида натижа учун олиб борилган кураш жараёнида юқори даражада эмоционал фоннинг баландлиги, жисмоний ва руҳий юкламаларнинг энг охириги даражадалиги ва жуда ҳам актив ҳаракатланиш фаолиятига эгалиги;

6. Ғолибларни аниқлашда рақиблар даражасининг тенглиги ва адолатлилигини таъминлайдиган қоида ва низомларни ишлаб чиқилганлиги, мусобақаларни ташкил этишда профессионал даражага эга бўлган малакали ҳакамларга эгалиги ҳамда замонавий спорт-техник воситаларга эгалиги;

7. Бундай таснифлайдиган норма ва талабларни бажарадиган спортчилар спортдаги энг юқори мартабаларга (спорт разрядларига, спорт устаси, халқаро даражадаги спорт устаси ва хизмат кўрсатган спорт устаси) эга бўлиш ҳуқуқини беради ҳамда ушбу мусобақаларда энг юқори маҳорат ва натижаларни кўрсатганларга чемпион ва совриндорлар мартабасига (республика, Осиё, жаҳон ва Олимпия ўйинлари) эгалиги билан тавсифланади [9,67-68].

Шундай инсонлар ўртасидаги беллашиш шаклини ташкил этилиши ҳамда махсус яратилган шарт-шароитларни биз спорт мусобақаси деб номлаймиз [19;20].

"Спорт" тушунчасини комплексли ўзаро муносабатлар воқеаликлари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (кенг маънода спорт тушунчаси мусобақавий фаолиятни ўз ичига олиб, шу фаолият асносида унга махсус тайёргарлик ҳамда специфик инсонлараро муносабатлар ва ҳулқ-атвор нормаларни қамраб олади) [21,427].

Тушунчалар тизимида мураккаб ва кўп ҳусусиятли воқеалик сифатида тасвирланаётган спорт икки хил фарқланади; оммавий спорт (спорт ҳамма учун) ва юқори маҳорат спорти (катта спорт рекордлар спорти) даражасида. Юқори маҳорат спортида биринчи навбатда мусобақаларда ғолиблик рекорд ўрнатиш турса, оммавий спортда саломатликни тиклаш мақсадида мусобақаларда қатнашиш, дам олиш, кўнгилхушлилик, бошқа қатнашувчилар билан алоқадорлик, муомила, муносабатга киришиш ва бошқалар.

Спортни жисмоний машғулотлардан (жисмоний тарбия) фарқлаш зарур. Жисмоний машғулотлар - бу махсус инсон ҳаракатланиш актив шакли бўлиб, инсонни яшаш учун керак бўлган жисмоний қобилиятларини, саломатлиги ва меҳнат самарадорлигини оптималлаштирувчи ҳаракатига [22,66], ҳамда бошқа педагогик, психологик, эстетик ёки маънавий инсонга таъсирини, инсон қобилиятини ва психик сифатини такомиллаштириш ва шакллантириш, маънавий ва эстетик маданият ва бошқа йўналишларда ишлатилишига айтилади.

"Жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш" (жисмоний тарбия) тушунчасини "жисмоний маданият" (тана маданияти, соматик маданият) тушунчасидан фарқи мавжуд.

Жисмоний маданият тушунчаси маданиятнинг шундай соҳасини ажратадики, инсон танаси марказий элемент ҳисобланиб, социал ҳаёт-фаолиятнинг ва қадрият кесишмаларидаги мезон ёки муносабат сифатида кўрсатади. Яъни жисмоний маданият ўз ичига шундай инсоният танаси борлигининг параметрларини

олганки, инсонларнинг жисмоний ҳолати, шаклланганлиги, коррекциялаштирилганлиги, ижтимоий-маданий муҳит таъсиридаги кўринишларининг белгиланган идеаллар, намуналар, нормалар, қадриятлар асосида махсус шаклланган мақсадли билим ва восита орқали ҳамда ўзининг таркиби ва функциясига кўра маданий мазмун ва моҳият касб этган [23,18-19].

Жисмоний маданият соҳасига социал реалликнинг бошқа элементлари ҳам кириб (билимлар, қизиқишлар, талаблар, социал муносабатлар, социал институтлар ва бош.), унинг ривожланиши, функциясини бажарилиши, шаклланиши юқорида келтирилган марказий элементлар билан таъминланади.

Жисмоний маданият алоҳида инсонни таснифлаши ва мезонлашида унга нисбатан шахснинг жисмоний маданияти сифатида намоён бўлади. Асосий кўрсаткичлари ва компонентлари қуйидагилар ҳисобланади:

Турли ўзига хос бўлган параметрларини, инсонни жисмоний ҳолатини нормада ушлаб туриши ва такомиллаштириши (саломатлиги, тана мукамаллиги, жисмоний сифати ва ҳаракатланиш қобилияти);

Бу мақсад учун ишлатиладиган воситаларнинг ҳилма-хиллиги (жисмоний машғулотлар, овқатланиш тизими ва бош.);

Бу воситаларни эффектив қўллаш;

Инсон танасининг парвариши билан ва жисмоний ҳолати билан боғлиқ амалиётда қўлланиладиган ва мақулланган идеаллар, нормалар, ҳулқ-атвор намуналари;

Организм ҳақидаги билим, жисмоний ҳолати, унга таъсир қиладиган методикалар ва воситалар қўллаш даражаси;

Инсоннинг ўз жисмоний ҳолатини парвариш қилиш ориентациясининг даражаси;

Бошқа инсонларни соғломлаштиришга қаратилган ҳаракат, жисмоний такомиллашиш ва бу ҳолат бўйича махсус билим ва кўникмаларга эгаллиги [23,19].

Жисмоний маданият алоҳида социал гуруҳ ва индивидни юқорида таъкидланган элементлардан ташқари социал институтлар ҳамда социал муносабатлар асосида социал модификацияловчи сифатида инсонларнинг жисмоний ҳолатини, саломатлик ҳақидаги билимларни яхлит тўғри йўналтирилганлигини таъминлайди [24;25;26].

Бундан келиб чиқиб шуни аниқлаш мумкин-ки, замонавий шароитда спорт ва спорт фаолияти билан боғлиқ барча жараён ва воқеаликлар илмий таҳлил қилинса жамиятдаги айрим муаммоларни ечимини топиш ва бу ечимни келажак авлод учун социал механизм сифатида келтириб ўтилиши жуда муҳимдир. Биз спортга нафақат вақти-чоғлик, кўнгилхушлилик ёки дам олиш жараёни сифатида олишимиз, балки уни замонавий инсон ҳаёт-фаолиятидаги асосий парадоксал феномен сифатида ўрганиш ва тадқиқ этиш постиндустриал жамият қуришдаги энг керакли воситалардан деб ҳисоблайман.

Адабиётлар

1. Пономарев Н.И. Феномен игры и спорт // Теор. и практ. физич. культуры, № 8, 1972.
2. Лисицын Б.А. К вопросу о понятии "спорт" // Теория и практика физич. культ., № 2, 1974.
3. Выдрин В.М. Введение в специальность: Уч. пособ. для инст. физич. культ. - М., 1980.
4. Loy John W., McPherson Barry D., Kenyon Gerald. Sport and social systems. - Addison-Wesley Publishing Company, London, 1978.

5. Манифест СИЕПС о честной игре // Информац. вестник ВНИ- ИФК, №10, 1977, с. 3-12.
6. Брянкин С. В. Структура и функции современного спорта. - М., 1983. - С. 5 -69.
7. Кучевский В. Б. Спорт как совокупность общественных отношений // Теория и практика физ. Культуры. - 1972, № 9. - С. 5.
8. Толковый словарь спортивных терминов. Около 7400 терминов / Сост. Ф. П. Суслов, С. М. Вайцеховский. - М.: Физкультура и спорт, 1993. - С. 278.
9. Шилько В.Г. Социология физической культуры и спорта : учеб. пособие. - Томск : Издательский Дом Томского государственного университета, 2018. - 416 с.
10. Столяров В. И. Введение в социологию спорта, физической культуры и физкультурной двигательной деятельности / В. И. Столяров, 2013.
11. Визитей Н.Н. Курс лекций по социологии спорта : учеб. пособие. - М. : Физическая культура, 2006. 318 с.
12. Социология и социология спорта : учеб. пособие / под общ. ред. А.А. Передельского. - М. : Физическая культура, 2013. 364 с.
13. Allison M.T. Competition and cooperation. A sociocultural perspective // Int. Review of Sport Sociology. - 1980, v. 3-4 o'15g'. - P. 93-105; Allisson M.T. Basketball - wie ihn die Anglo Amerikaner verstehen und die Navajos ihn spielen // Becker P. (Ed.): Sport und Sozialisation. - Reinbek, 1982. - P. 115-132.
14. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. - М.: Педагогика, 1972.
15. Левада Ю.А. Игровые структуры в системах социального действия // Системные исследования. Методологические проблемы: Ежегодник. - М.: Наука, 1984.
16. Эведон Э.М. Игра, игры и технический прогресс // Импакт. Наука и общество: Юнеско, № 2, 1984.
17. Выготский Л.С. Игра и ее роль в психическом развитии ребенка // Вопросы психологии, № 6, 1966.
18. Лотман Ю.М. Тезисы к проблеме "искусство в ряду моделирующих систем" // Ученые записки Тартус. гос. ун-та, вып. 198. - Тарту, 1967.
19. Пономарев Н.А. Социология физической культуры : учеб. пособие. СПб. : СПбГАФК им. П.Ф. Лесгафта, 1998. 118 с.
20. Фролов С.С. Общая социология : учебник. - М. : Проспект, 2011. 384 с.
21. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учебник для институтов физической культуры. - М.: ФиС, 1991.
22. Матвеев Л.П. Введение в теорию физической культуры. - М.: ФиС, 1983.
23. Вишневский В.И., Столяров В.И., Федосов В.Г. Современный спорт как социально-культурное явление и его гуманистическая ценность: Учеб. пособие / МАДИ(ГТУ). - М., 2007. - 72 с.
24. Столяров В.И. Методологические принципы определения понятий в процессе научного исследования физической культуры и спорта.- М., 1984.
25. Столяров В.И. К вопросу о теории физической культуры (методологический анализ) // "Теория и практика физич. культуры", 1985, № 2, 7.
26. Столяров В.И. Спортивные рекорды - смысл и значение. - М., ГЦОЛИФК, 1988.